

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

**У.Ахмедова**

Умумлашган ҳосила асосида функциялар тригонометрик ёйилмасининг ягоналиги ..... 6

КИМЁ

**Г.Рахматова, М.Курбанов, М.Рузибоев**

1-тиаиндан, 1-тиохроман ва уларнинг ҳосилаларини диациллаш реакцияларини ўрганиш ва синтезлаш ..... 11

**Ф.Юсупов, А.Кўчаров, М.Маманазаров, С.Халилов, Р.Тошбобоева**

Қўнғир кўмирни бойитишга турли факторларнинг таъсирини ўрганиш, физик-механик параметрларни ва турли шароитларга бардошлилигини аниқлаш ..... 15

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**З.Жабборов, И.Мамажанов**

Саноат ифлосланиши экологияси ..... 20

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**Н.Ҳакимов, Ш.Зулфикаров, А.Абдумаликов**

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари ..... 26

**М.Назаров**

Илмий-техник ижодиётда шубҳа тамойили ва танқидий қараш ..... 33

**Ш.Аббосова**

Янгиланаётган Ўзбекистон, жамиятнинг демократлашуви ва шахс эркинлиги ..... 37

**Б.Ғаниев**

Ўзбекистондаги трансформацион жараёнлар даврида тадбиркорлик масаласини илмий-методологик ва фалсафий тадқиқ этиш зарурати ..... 41

ТАРИХ

**У.Абдуллаев, М.Ғозиев**

Фарғона водийси халқларида от билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ..... 45

**Э.Ғуломов**

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизимининг шаклланиши (1991-2000 йиллар) ..... 49

**Ў.Хошимов**

Олий таълимдан кейинги таълим соҳасидаги ўзгаришлар ва муаммолар (Фарғона водийси вилоятлари мисолида) ..... 55

**Н.Кенжаева**

XX асрнинг 30-йилларида Помир ва унга туташ минтақаларда амалга оширилган илмий экспедицияларнинг комплекс тадқиқот фаолиятига доир: аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ..... 60

**С.Рахматуллаева**

Фарғона водийсида экологик вазиятнинг оналар ва болалар саломатлигига салбий таъсири ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари юзасидан айрим мулоҳазалар (1950-1994 йиллар мисолида) ..... 66

**О.Кличев**

Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларда совға алмашинув тартиблари ..... 70

**О.Пуговкина**

Устоз ва унинг шогирди: В.В. Бартольд ва Н.С.Ликошин ..... 74

**Г.Рахимова**

Қашқадарё вилоятидаги саноат корхоналарининг экологик ҳолатга салбий таъсири ..... 79

УДК: 636.2+21/29

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХАЛҚЛАРИДА ОТ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭЪТИҚОДИЙ ҚАРАШЛАР**  
**РЕЛИГИОЗНЫЕ ВЕРОВАНИЯ НАРОДОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ, СВЯЗАННЫХ С**  
**ЛОШАДЬЮ**  
**SOME RELIGIOUS VIEWS ABOUT HORSES OF THE PEOPLE OF FERGANA VALLEY**

У.Абдуллаев<sup>1</sup>, М.Ғозиев<sup>2</sup><sup>1</sup> У.Абдуллаев– Андижон машинасозлик институти профессори,  
тарих фанлари доктори.<sup>2</sup> М.Ғозиев– Андижон давлат университети таянч  
докторанти.**Аннотация**

Мақола Фарғона водийси халқларида от билан боғлиқ эътиқодий қарашларни ўрганишга бағишланган. Унда масалага оид археологик ва этнографик материаллар атрофлича таҳлил қилинган. Мақолада келтирилган маълумотларнинг аксарияти илмий истеъмолга илк бор олиб киритилмоқда.

**Аннотация**

Статья посвящена изучению религиозных верований народов Ферганской долины, связанных с лошадью. В ней подробно проанализированы археологические и этнографические материалы по данной теме. Большинство сведений, приведенных в статье, вводится в научный обиход впервые.

**Annotation**

This article is devoted to the study of the religious beliefs of the people of the Fergana valley associated with horses. It analyzes the archaeological and ethnographic materials related to this topic in detail. Most of the information provided in the article is introduced into scientific use for the first time.

**Таянч сўз ва иборалар:** Фарғона водийси, тотемизм, фетишизм, эътиқодий қараш, от, қурол-аслаҳа, давра солиш, урф-одат, маросим.

**Ключевые слова и выражения:** Ферганская долина, тотемизм, фетишизм, религиозное верование, лошадь, боевое оружие, становится в круг (обряд очищения умершего от грехов), обычай, обряд.

**Keywords and expressions:** Fergana valley, totemism, fetishism, religious belief, a horse, military weapon, circle (rite of purification of the deceased from sins), tradition, ceremony.

Инсоният тарихи қадим даврлардан буён от билан боғлиқ. Тарихий манбалар бундан олти миллион йил аввал от Евроосиё даштларида ва Осиёнинг ён бағирларида илк бор маданийлаштирилганлигидан гувоҳлик беради.

Ёввойи ҳолда яшаган отларни қўлга ўргатиш борасида Марказий Осиё халқлари, хусусан бизнинг аждодларимиз катта тажрибага эга бўлганлар. Кўплаб тадқиқотчилар хонаки отларнинг келиб чиқишини Марказий Осиёга боғлайдилар. Масалан, германиялик тадқиқотчи Вера Вармут Евроосиё худудлари – Можаристон, Украина, Россия, Қозоғистон ва Мўғулистондаги отлар ирсиятини ўрганар экан: “Отлар турли худудларда, алоҳида-алоҳида ҳолатларда хонакилаштирилгани каби мавжуд фикр у қадар ҳам тўғри чиқмади. Марказий осиелик одамлар қадимдан бу отларни қўлга ўргатиб, хонаки

отлар ёнига ёввойиларини қўшиб боришаверган. Минтақа аҳли ёввойи отларни қўлга ўргатишда жуда моҳир бўлишган. Марказий осиеликлар бундан фахрланишса арзийди” – деб ёзади [7].

Аждодларимизнинг турмуш тарзида от қадим даврларданоқ муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини исботловчи тарихий далиллар кўп. Санкт-Петербургдаги Эрмитажда сақланаётган Юнон-Бақтрия даврига оид кумушдан ясалган товоқчадаги уч чавандознинг от минган ҳолда шер билан жанг қилаётган тасвири ҳам ўша даврда от инсоннинг энг яқин кўмакчиси эканлигини исботлаб туради. Қадимги юнон тарихчиси Геродот эса шундай ёзган: “Массаетлар ўта мағрур ва жасур ҳарбийлар бўлиб, улар кўчманчи тарзда яшайдилар... Улар дунёдаги энг яхши отларга эга бўлиб, уларнинг қўшнилари ҳеч қачон бундай

отларга эриша олмаганлар...” [8,55; 151; 159-160].

Тарихий манбалар қадимги турклар турмушида от ҳамиша ажралмас ҳамроҳ бўлиб келгани, у билан боғлиқ кўплаб эътиқодий қарашлар пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Албатта, фарғоналикларнинг ҳам турмуш тарзи ва эътиқодий қарашларида от қадим ўтмишдан катта ўрин тутган.

Қадимги фарғоналиклар ноёб зотли отларни парваришлаб, уни муқаддас санаганликлари ҳақидаги маълумотлар Хитой ёзма манбаларида ҳам келтирилган. “Буюк Фарғона (Дай-юан) тазкирасида зикр этилишича, – деб ёзади хитойшунос Аблат Ходжаев: “– мамлакат чегарасида баланд тоғ бор. Бу тоғ устида ушлаб бўлмайдиган от бор экан. Рангдор урғочи отни ушбу тоғ этагида қолдириб, ўша отдан болалатиб олишган экан. Туғилганда тойчоқдан қонсимон тер оқиб турган экан, шу боис унга Тангри оти (тянма) деб ном қўйилган экан” [1, 129].

Юқорида келтирилган қадимги Хитой манбасидаги ривоятнамо маълумотларнинг тарихий ҳақиқатга қанчалик тўғри келиши ёки келмаслигидан қатъий назар, фарғоналикларда ўша даврларда зотдор отлар етиштирилганлиги аниқ. Негаки, Фарғона водийси ҳудудида милоддан аввалги даврлардаёқ аҳолининг йилқичилик билан шуғулланиши учун қулай табиий-географик шароит мавжуд бўлиб, бунга ҳудуддаги бой ўсимлик дунёси ҳам имкон берган.

Дарвоқе, Марҳамат шаҳрига яқин жойлашган Аравон тоғларидаги қоятошларда акс этган отларнинг тасвирини аксарият тадқиқотчилар ўша хитой манбаларида келтирилган қадимги Фарғонанинг “қонсимон терлайдиган самовий тулпорлар”ига қиёс қиладилар. Хуллас, фарғоналиклар қадимдан зотдор отларга эга бўлганликларини тасдиқловчи тарихий фактлар етарли даражада бор.

Дунёнинг кўплаб халқларида от тотеми билан боғлиқ эътиқодий қарашлар асрлар давомида кишиларнинг кундалик ҳаётларида катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Бундай диний эътиқодий кўринишлар ислом дини билан аралашган ҳолда яқин ўтмишда ҳам халқимиз турмуш тарзида намоён бўлиб келди. Бу ҳолатни Фарғона водийси

халқларига тегишли материаллар таҳлилидан ҳам билиш мумкин бўлади.

Маълумки, ўзбек халқининг шаклланишида фаол иштирок қилган қипчоқ этносининг катта гуруҳи Фарғона водийси ҳудудида ҳам жойлашган [12, 103-158]. Ушбу этник жамоа таркибидаги баъзи бир уруғларнинг номланиши бевосита от тотеми билан боғлиқ бўлган. Хусусан, *тўртайғир*, *саманотли*, *қорабайтол* ва *қулон* каби қипчоқ уруғлари учун от – тотем ҳисобланган [12, 144].

Кейинги даврларда от тотеми трансформацияга учраб, ўз моҳиятини ўзгартирган, аксарият ҳолларда от дафн маросимларида марҳум руҳига бағишлаб қурбонлик қилинадиган бўлган [3,20.]. Аслида отни марҳум руҳига бағишлаб қурбонлик қилиш одати тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадимги аجدодларимизнинг эътиқодий қарашлар тизимида кўп ҳолларда тотемистик қарашлар анимистик тасаввурлар билан қоришган тарзда намоён бўлади.

Археологик қазишмалар вақтида кўхна қабрлар очилганда майит билан бирга от скелети, аёл кишига тегишли яна бошқа бир скелет ва ҳар хил буюмлар, ҳаттоки озиқ-овқат солинган идишлар кўмилгани аниқланган. Кўплаб тадқиқотчилар бу турдаги қабрлар қадимги туркийларга, аниқроғи турк жангчисига тегишли, деб ҳисоблайдилар. Масалан, бу ҳақда академик А.Асқаров шундай ёзади: “... **Орийлар** (прототурк этнос вакиллари – **таъкид бизники**) ўз уруғ-аймоқлари ичида энг нуфузли, бадавлат, эркин ва озод суворийлар бўлиб, улар вафот этганда: биринчидан, ўша даврнинг урф-одатларига кўра, чуқур ҳурмат ва эҳтиром белгиси сифатида қабиладошлари уларга атаб маҳобатли мазор-кўрғонлар бунёд этганлар..., иккинчидан, орий жасади кўмилган мазор-кўрғонга унинг ҳаётлик чоғидаги жанговар қурол-аслаҳалари ва бойлиги билан кўмилади; учинчидан, тириклик чоғидаги жамиятда тутган ўрнига қараб, 10-15 тадан то 70-80 тагача отлар мажбурий ўлим излари ва эгар-жабдуқлари билан кўмилган бўлади; тўртинчидан, орий жасадининг оёқ ёки ён томонига унинг харамидида хотинларидан бири, канизаклари ҳамда унга тегишли зеб-зийнат ва олтин арава (золотая

колесница) лари билан бирга (захар бериш йўли билан ўлдирилиб, кўмилган бўлади” [2,262-263.].

Демак, кўриниб турибдики, қадимда туркийларда суворий саркарда у дунёда тириклигидаги барча нарсалари (хотини, от, қурол-аслаҳа)дан фойдаланади, деган эътиқодий қарашлар мавжуд бўлган.

Шу ўринда турк тадқиқотчиси Усмон Турон ёзади: “Туркий халқларда ўлгандан кейин отлари ва қурол-аслаҳалари билан кўмилишига сабаб, ҳайвонга миниб жаннатга киришларига ишонч бўлган” [10,51.].

Тадқиқотлар натижасидан маълум бўладики, Турк хоқонлиги даврида майитни тириклигида минган оти билан бирга дафн қилиш одати анча кенг тарқалган. Археологлар бундай материалларни Марказий Тяньшань, Иссиқкўл, Чу, Талас водийсидан, Тошкент воҳаси ва Зарафшон воҳасидан ҳамда Помирдан топганлар [4].

Ўтган асрнинг 60 йилларида Фарғона водийсининг шарқий қисми (Андижон вилояти, Жалақудуқ туман Ойим қишлоғи)да жойлашган Далварзинтепа манзилгоҳидаги кўҳна қабрдан ҳам от анжомларининг қолдиқлари топилган эди. Таниқли археолог Ю.А.Заднепровский бу топилмани Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврига тегишли, деб ҳисоблайди [6, 271.].

Бундан ташқари, фарғонашунос археологлардан Б.Х.Матбобоев ва Г.П.Ивановлар ҳам ўзларининг бир мақоласида марҳумни от билан бирга кўмиш одати ҳақида қимматли маълумот келтириб ўтадилар [9, 72-75.].

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, от билан боғлиқ тотемистик эътиқод асрлар оша трансформацияга учраган. Унинг баъзи элементлари кейинги даврларга синкретик (бошқа диний эътиқодлар билан қоришган) тарзда етиб келди.

Отни муқаддаслаштириш, унга топиниш одатининг айрим кўринишлари яқин ўтмишда Фарғона водийси халқларининг турмуш тарзида, хусусан, оилавий урф-одат ва маросимларида ҳам акс этган. Айниқса от билан боғлиқ бундай одатлар водийнинг азалий чорвадор халқларида ўтроқ аҳолига нисбатан кўпроқ сақланиб қолган эди.

Этнографлар оилавий урф-одат ва маросимларни бола туғилиши, никоҳ, тўй ва дафн-таъзия билан боғлиқ урф-одат ва

маросимларга бўлиб ўрганадилар. Инсоннинг ҳаёт йўли билан боғлиқ ҳолда бажариладиган ушбу урф-одат ва маросимларнинг ҳар бир босқичида от билан боғлиқ эътиқодий қарашларни кузатиш мумкин. Масалан, ҳомиладор аёлнинг туғиши билан боғлиқ бир қанча иримларда от тотемига эътиқод излари акс этади. Хусусан, айрим Фарғона водийсидаги этник жамоаларда ҳомиладор аёлга от гўштини истеъмол қилиш тақиқланади. Бундай тақиқдан кўзланган мақсад ҳомиладорлик даврининг чўзилиб кетишидан сақланиш ҳисобланади. Кекса ахборотчиларнинг таъкидлашларича, агар ҳомиладор аёл от гўштини истеъмол қилса, болани туғиш маълум вақтга кечикади. Бу эса она ва бола ҳаёти учун хатарлидир [5].

Бундан ташқари, туғиш қийинлашганда, чорвадор халқларда қора уй (ўтов)нинг эшигидан отнинг калласини киргизиш одати ҳам бажарилган [5]. Гўёки, ушбу одат бажарилса, туғруқ енгил кечган.

Туғруқнинг енгил кечиши учун яна айрим ҳолларда ҳатто от туёғидан бир парчасини исириқ ўрнида тутатиш одати ҳам бўлган [5]. Бунинг замирида ҳам от тотемига, унинг ғайритабиий кучига ишонч ётади.

Таниқли этнолог А.Ашировнинг кўрсатишича, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани Шаханд қишлоғи аҳолисида ҳомиладор аёлларни инс-жинслардан асраш ниятида эшик тепасига айғир югани илиб кўйилган [3, 23.].

Чақалоқнинг бўйнига от ёлининг қилидан боғлаб қўйиш одати [3,23.] ҳам отни муқаддаслаштириш, унга топиниш замирида пайдо бўлганлигига шубҳа йўқ.

Фарғона водийси халқларида от билан боғлиқ одатлардан яна бири – бу, суннат тўйи маросимида боланинг она уруғи томонидан (бобоси ёки тоғасининг) от етаклаб келиш одатидир. Бу одат ҳам аксарият ҳолларда чорвадор халқлар томонидан бажарилган.

Никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одат ва маросимларда ҳам отга эътиқоднинг айрим кўринишлари намоён бўлади. Маълумки, ўтмишда анъанавий никоҳ тўй одатларига кўра келин-куёвнинг уйига тунда кўчирилган. Кўп ҳолларда бунда от ёки от қўшилган аравадан фойдаланганлар. Халқона ишончга кўра, от келинни йўл давомида ҳар хил инс-жинслардан ҳимоя қилиб борган [5].

Чорвадор этник жамоаларнинг дафн билан боғлиқ урф-одат ва маросимларида от тотемига эътиқод янада аниқ намоён бўлади.

Фарғона водийси чорвадор аҳолисида, хусусан, қипчоқларда *“давра солиш”*, деб номланган архаик маросим генетик жиҳатдан от тотеми билан боғлиқ. *“Давра солиш”* маросими инсон вафоти билан, аниқроғи, эркак киши хотираси билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган маросим бўлиб, А.Ашировнинг ёзишича, *“...Яқин ўтмишда ҳам ўзига тўқ киши оламдан ўтса онаси, хотини, сингиси ва бир қатор қариндошлари унинг отини тузаб, кийимларини от устига ташлаб, атрофида айланиб, марҳум амалга оширган эзгу ишларни эслаб йиғлаганлар. Бу маросим отга “давра солиш”, деб аталган. Маросим якунида отнинг думи кесилиб, ўз ихтиёрига қўйиб юборилган ва бу отни ҳеч ким минмаган. Кесилган дум эса от эгасининг марҳумлигини аңлатган”* [3, 22.].

Отни муқаддаслаштириш маълум даражада жой номларида – топонимларда ҳам акс этган. Масалан, юртимизнинг турли ҳудудларида от билан боғлиқ муқаддас жойлар бор. Улар ичида Ҳазрат Али ва унинг Дулдул оти билан боғлиқ қадамжо ва зиёратгоҳлар кўп учрайди. Тадқиқотчи Ҳ.Ҳасанов ўзининг *“Ўрта Осиё жой номлари тарихидан”* номли асарида афсонавий Дулдул номи билан аталган бир қатор зиёратгоҳлар ҳақидаги маълумотларни келтирган [11, 27.].

Ўш вилоятининг Аравон қишлоғидаги *“Дулдул ота”*, Фарғона вилояти Сўх туманидаги *“Дул ота”* ва шу қабилар от билан боғлиқ тотемистик тасаввурлар натижасида пайдо бўлганлигига шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

Хуллас, Фарғона водийси халқлари ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги аҳоли қаби қадимдан отни тотем сифатида улуғлаб, унга эътиқодий муносабатда бўлганлар.

#### Адабиётлар:

1. Ходжаев А. Фарғона Хитой манбаларида. —Т., 2013.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг шаклланиш тарихи. —Т., 2015.
3. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. —Т., 2007.
4. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. МИА 26. 1952; Зяблин Л.П. Средневековые курганы на Иссык-куле. Тр.ККАЭЭ. II М. 1959; Шер Я.А. Погребение с конем в Чуйской долине. С.А. 1961.1.; Винник Д.Ф. Тюркские памятники Таласской долины. Сб. «Археологические памятники Таласской долины». Фрунзе, 1963; Тереножкин А.Н. Памятники материальной культуры на Ташкентском канале. Изв. АН Уз.ССР. 1940 3. Рис. 1.1.; Спришевский В.И. Погребение с конем середины I тысячелетия н.э., обнаруженное около обсерватории Улугбека. Тр. Музея истории Уз ССР. 1. —Т., 1951. С. 37. Рис. 3.
5. Дала ёзувлари, 2018 й.
6. Заднепровский Ю.А. Тюркские памятники в Фергане//Советская археология, №1. -1967.
7. Интернет материалларидан олинди: bbc.com.
8. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. —Т., 2008.
9. Матбабаев Б.Х., Иванов Г.П. Находки погребений с трупосожжением и конем в Фергане. //ОНУ №5. 1997.
10. Osmon Turan. Turk cinon hakimye mefkuresi tarix. G Id. 6. Bosk Istanbul, 1993.
11. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. —Т., 1965.
12. Шониёзов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. —Т., 1974.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).